

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

“Ижтимоий-иқтисодиёт” факультети

“Педагогика ва психология” кафедраси

Л.Х.Бектурсынова

Нукус-2016

МАВЗУ: Таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари. Дарс – таълим тизимини ташкил этишининг асосий шакли сифатида

РЕЖА:

Кириш	3
Асосий қисм	
1. Таълим турлари ва шакллари.....	4
2. Таълимни ташкил этиш ҳақида тушунча, унинг хилма – хил турлари.....	10
3. Таълимни ташкил этиш шакллари ва уларнинг дидактикада ривожланиши.....	13
Хулоса	17
Фойдаланилган адабиётлар.....	18
Интернет маълумотлари.....	19
Тест	20
Саволлар	22

КИРИШ

Инсонни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш халқимизнинг азалий орзуси бўлиб, аجدодларимиз маърифат, маънавият ва маданиятни қандай қилиб ёш авалодга ўргатиш - уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун – қоидаларини мутассил излаганлар. Бу эса **педагогика** фанининг майдонга келишига сабаб бўлган. Чунки, инсоннинг маърифатли ва маънавий комилликка эришиши **педагогика** фанининг етакчилигида амалга оширилади.

Маълумки, мамлакатимиз тараққиёти ва келажаги таълим – тарбия соҳасидаги юқори самарадорликка эришишга, уларнинг жаҳон таълими талаблари билан мослиги ва амалий ҳаётдаги ўрнини қай даражада топаётганлигига боғлиқ.

Шу маънода таълим–тарбия бериш бўлажак мутахассисларни янгича шароитларда ишлашга тайёрловчи инновацион жараён бўлиб, олдинги эгаллаган билимлар асосида ижобий педагогик самараларни берувчи янгича ёндошув технологияларини яратиш ва жорий этишдан иборатдир. Таълим-тарбия соҳасида Республикамизда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Таълим тўғрисида» ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва жаҳон таълими андозлари талабларларига мос келувчи «Давлат таълим стандартлари» да давр билан ҳамнафас, яъни «Интеллектуал аср»нинг фаол иштирокчиларини тайёрлаш кўзда тутилган. XXI асрнинг фаол иштирокчиси эса кенг маънода таълим – тарбия ва уларнинг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар билан боғланган ҳолда баркамол шахсни вояга етказишдек инновацион жараёни ўзида мужассамлаштиради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим муассасаларида замонавий педагогик технологияларни яратиш ва улардан амалиётда кенг фойдаланишга эришиш, «Таълим – фан – амалиёт» интеграциясининг таълим тизимидаги самарасига алоҳида эътибор қаратилган.

1. Таълим турлари ва шакллари

Дидактик ғоялар жамият тараққиёти жараёнида янги ғоялар билан бойиб, такомиллашиб бораверади ва улар ўзига хос тизимлар кўринишида шаклланади. Шу сабабли ҳам таълим турлари ўқув жараёнини ташкил этиш ва уни амалга оширишга нисбатан турлича ёндашувлар асосида шакллантирилади.

Педагогик тизимларнинг асосий турлари қуйидагилардир:

- архаик (ибтидоий);
- қадимги (Шумер, Миср, Хитойда Эрамиздан аввалги учинчи минг йиллик);
- авестит (Бактирия, Суғдиёна, Хоразмда – Эрамиздан аввалги VII-VI асрлар);
- юнон (Эллинс, рим – юнон, рим – эрамиздан аввалги V-I асрлар);
- ўрта аср (догматик, схоластик V-XVI асрлар);
- янги (тушунтириш, тушунтириш – кўргазмали, дастурлаштирилган, масофали ўқитиш, муаммоли – дастурлаштирилган, компьютерлаштирилган инновацион, INTERNETнинг халқаро тармоғидан фойдаланиб ўқитиш ва шу кабилар);
- хорижий (тушунтириш, тушунтириш–кўргазмали, дастурлаштирилган, масофали ўқитиш, муаммоли – дастурлаштирилган, компьютерлаштирилган инновацион, INTERNETнинг халқаро тармоғидан фойдаланиб ўқиш ва шу кабилар).

“Ҳақиқий ғоялар” деб ном олган педагогик тизимнинг асосий таянч нуқтаси **ҳақиқий билимларни** ўзлаштиришдан иборат бўлган. Абу Али ибн Синонинг “Донишнома” ва “Билимлар китоби” номли асарларида ҳам мазкур муаммо ечимига алоҳида эътибор қаратилган. Уларда таъкидланишича ҳақиқий билимларни ўзлаштиришга иккита тўсиқ ҳалакит қилади. Улар: сўзларнинг аниқ эмаслиги; фикрларнинг тушунарли эмаслиги. Қайд этилган

камчиликларни бартараф этишда логика фани ютуқлари ва улардан истеъмолда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Мусулмон мамлакатларида ёшларни ўқитиш ва тарбиялашда улар томондан араб тилида ёзилган “Қуръони Карим”ни ва “Ҳадиси Шариф”ни ёд олиниши билим эгаллашнинг асосий шарти ҳисобланган. Булардан ташқари ўша пайтда бир қатор мактабларда форс тили ҳам ўргатилган. Ёшлар асосий таълимни мактаблар – бошланғич мактабдан олганлар ва унда илоҳий ва муқаддас китобни (“Қуръони Карим”ни ва “Ҳадиси Шариф”ни) ўқиш, ёдлаш ва талқин қилиш машғулотлари, шунингдек, бошқа манбалар бўйича ҳам ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш тафаккурини шакллантириш фаолиятлари амалга оширилган.

Демак, догматик ўқитишда ёшларнинг асосий фаолиятларини тинглаш, ўқиш, ёд олиш, эслаб қолиш ва матнни сўзма – сўз такрорлашлар ташкил этган.

Мадрасалар ўқув режасига грамматика, Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, риторика, логика, метафизика, геология, адабиёт, илми ҳужум, ҳуқуқшунослик, риёзиёт, ҳандаса, жуғрофия ва шу каби фанлар кирган. Ўқитиш асосан оғзаки шаклда олиб борилган. Улардаги ўқув адабиётлари аста – секин анча кўп қиррали, турли – туман бўлиб бораверган.

Догматик ўқитиш ўрнига аста – секин ўқув жараёнида кўргазмалиликни кенг жалб этиш натижасида **тушунтириш, тушунтириш – намойиш этиш** каби таълим шакллари қўлланила бошланди.

Ҳозирги вақтда, Республикамизда фаолият юритаётган замонавий таълим муассасаларида таълимнинг энг муҳим қуйидаги уч туридан фойдаланилмоқда:

- **тушунтирувчи – намойиш этувчи таълим.** Бу анъанавий ёки ахборот берувчи таълим деб аталади;
- **муаммоли ўқитиш;**
- **дастурлаштирилган таълим ёки компьютерли ўқитиш.**

Бугунги кунда ўрта асрда кенг қўлланилган таълим турлари догматик ва схоластик ўқитиш элементлари ҳам сақланиб келинмоқда.

Тушунтирувчи – намойиш этувчи таълим тури. Унинг асосий методи кўргазмалилик асосида тушунтиришдан иборат бўлиб, унинг асосини тинглаш ва эслаб қолиш ташкил этади. Бу таълим тури вақтни тежаш, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг вақтни тежаш, қийин билимларни тушунишини осонлаштириш, таълим жараёнини оптимал бошқаришни таъминлайди. Бироқ бу таълим турида айрим камчиликлар мавжуд, яъни, “тайёр” билимларни бериш ва таълим олувчиларни билимларини ўзлаштиришида мустақил ҳамда махсулдор фикрлашдан озод этиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференцияллаштириш имкониятларининг камлиги.

Муаммоли ўқитишда ўқув муаммоларини ҳал этиш жараёнида билимларни мустақил эгаллаш, таълим олувчиларнинг ижодий фикрлашлари ва идрок этиш фаолиятларини ривожлантириш йўли билан таълим ташкил этилади. Бундаги таълим технологияси турли туманлиги билан ажралиб турмайди, чунки таълим олувчиларни фаол иштирок этиш фаолиятига жалб этиш бир неча босқичлардан иборат бўлади. Улар кетма – кет тартибда ва комплекс амалга оширилиши керак. Бундай ўқитишда муаммоли вазиятни яратиш муҳим босқич ҳисобланади, чунки мазкур жараёнда фикрлаш жараёнида қийинчилик ҳис қилинади.

Муаммоли ўқитишда муаммони илгари суриш **дастлабки босқич** ҳисобланади. Муаммони ҳал этишнинг **кейинги босқичида** таълим олувчилар берилаётган савол бўйича мавжуд муаммони аниқлайдилар, таҳлил қиладилар, жавоб топиш учун уларнинг етарли эмаслигини аниқлайдилар ва етишмаётган ахборотни топишга интиладилар. **Учинчи босқич** муаммони ечиш учун зарур бўлган билимларни турли усуллар билан эгаллашга қаратилган фаолият бўлиб, у таълим олувчида мустақил фикр шаклланиши орқали аниқланади. Шундан кейин муаммони ҳал этиш, олинган натижаларни текшириш, дастлабки гипотеза билан солиштириш,

эгалланган билимлар, малакаларни тизимлаштириш ва умумлаштириш жараёнлари амалга оширилади. Муаммоли топшириқлар саволлар, ўқув масалалари, амалий вазиятлардан иборат бўлиши мумкин. Муаммоли саволда жавоблар излаш турли вариантларда бўлиши мумкин.

Муаммоли ўқитишнинг афзалликлари: шахсий ижодий фаолиятни ташкил этиш асосида билимларни мустаҳкам эгаллаш, ўқишга қизиқишни уйғотиш, ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантириш, ўқитишнинг мустаҳкам ва амалий натижаларига эришиш. **Камчиликлари** таълим олувчиларнинг идрок этиш фаолиятларини бошқаришнинг қийинлиги, муаммони кўйиш ва ҳал этиш учун кўп вақт сарфланиши, муаммоли вазиятни яратиш ва мустақил ҳал қилиш имкониятини ҳар бир таълим олувчига тақдим этишнинг қийинчилиги билан белгиланади.

Дастурий таълим (Дастурлаштирилган таълим) ҳаракат (операция) лар кетма – кетлиги тизимини ифодаловчи, уларни бажариш олдиндан режалаштирилган натижага олиб келувчи “дастур” терминидан келиб чиқади.

Дастурлаштирилган таълим – ўқув жараёнини муайян тартиб (дастур) асосида ташкил этишга мўлжалланган бўлиб, унинг ёрдамида ўқув жараёнини олиб боришнинг оптимал вариантларига эришилади. У кибернетика, информатика, математик логика, ҳисоблаш техникаси асослари ва психология фанларининг самарали тамойиллари ва мураккаб тизимларидаги бошқариш воситаларининг педагогикада жорий этилиши натижаси кўринишида XX асрнинг 50 йилларида пайдо бўлди. Дастурлаштирилган таълим ўқув материални кичик – кичик қисмларга бўлиш, ушбу қисмларнинг биридан иккинчисига ўтиш тартиби (қоидалари) ни белгилаш, хусусан, ҳар бир қисмни ўзлаштириш юзасидан аниқ кўрсатмалар, топшириқлар бериш, ўз – ўзини назорат қилишни таъминлаш каби йўллар билан амалга оширилади. У таълим олувчининг билим эгаллаши йўлида ҳар бир қадамни назорат қилишга имкон берадиган ва шунинг асосида, ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, қийинчиликларни олдини олиш,

кизиқишини йўқотмаслик ва салбий оқибатларнинг олдини олишга имкон берувчи ўқув жараёнининг технологиясини яратишга йўналтирилади.

Дастурий таълимнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув материалининг алоҳида қисмларга ажратилиши;
- ўқув жараёнининг билимларини ўзлаштириш бўйича билимларнинг муайян миқдорлари (бўлаклари) ва фикрлаш (мантикий) амалларидан иборат бўлган кетма – кет босқичлардан иборат бўлиши;
- ҳар бир босқичнинг назорат билан якунланиши;
- назорат топшириқларини тўғри бажарган таълим олувчининг янги материални ўзлаштириш учун олиш имконияти ва навбатдаги босқични бажаришга кириша олиш;
- тўғри жавобни топишда таълим олувчининг ёрдамчи ва қўшимча тушунтиришларни олиши;
- ҳар бир таълим олувчининг мустақил ишлаши, интеллектуал салоҳияти етарли бўлган мавзулар бўйича ўқув материалларини ўзлаштириши;
- натижалар мониторинги, яъни барча назорат топшириқлари бажарилиши натижаларининг қайд этилиши;
- таълим жараёнида таълим берувчининг таълим ташкилотчиси ва лозим топилганда мазкур жараёнда маслаҳатчи (бошқарувчи) сифатида иштирок этиши ва индивидуал ёндашувни амалга ошириши;
- таълим жараёнида ўқитишнинг ўзига хос воситаларининг кенг қўлланилиши (компьютерли ўргатувчи дастурлар, интеллектуаллаштирилган дастурлар, касбий компьютерли ўйинлар, тренажерлар, назорат қилиш қурilmалари, ўқитиш машиналари ва шу кабилар).

Маълумки, ўқитиш соҳасида жаҳон дидактикасининг муҳим тажрибаси натижасида шахсий ЭХМ ривожланиши негизида компьютерлаштирилган таълим вужудга келди.

Махсус таълим дастурлари билан таъминланган компьютерлардан деярли барча дидактик масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкин. Улар:

ахборот бериш; ўқитиш жараёнини бошқариш; натижаларни назорат қилиш ва тузатиб бериш; машқларни бажариш; ўқув жараёни ривожланиши ҳақида маълумотларни тўплаш ва шу кабилар.

Ривожланган мамлакатларда компьютерлардан кенг фойдаланишнинг ривожланиши бу борадаги қуйидаги асосий йўналишларни аниқлашга имкон беради:

- алоҳида ўқув фанлари (математика, табиий фанлар, она тили, чет тили, география, чизмачилик ва шу каби фанлар) бўйича ўзлаштириш даражасини оширишни таъминлаш;

- умумий когнитив (идрок этиш) қобилиятлари – қўйилган масалани ҳал этиш, мустақил фикрлар, коммуникатив малакаларни эгаллаш (ахборотни тўплаш, анализ, синтез қилиш)ни ривожлантириш, у ёки бу кўникмани шакллантиришга имкон берувчи жараёнларга эътиборни кучайтириш.

Компьютерлаштиришнинг асосий **мақсади**, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш ишларини автоматлаштиришдан иборат бўлса, унинг асосий **вазифалари** интеллектуал салоҳиятни кўтариш, ақлий меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, таълим – тарбияда оптимал вариантларни кафолатлашлардан иборатдир.

Компьютерли таълимнинг сифати қуйидаги икки асосий омил билан аниқланади:

- ўқитиш дастурларининг мукамаллиги;
- ҳисоблаш техникасининг мукамаллиги ва ўқитиш жараёнида фойдаланишдаги қулайлиги.

“Компьютерли ўқитиш тизими – бу қуйидаги вазифаларни бажаришга имкон берувчи ўқув – методик ва дастурий – техник воситалар мажмуаси бўлиб ҳисобланади:

- билимнинг аниқ предмет соҳасини ўрганиш;
- ўқув курсларида ишланмаларни қўллаш;
- ўқув жараёнини бошқариш ва шу кабилар.

2. Таълимни ташкил этиш ҳақида тушунча, унинг хилма – хил турлари.

Дунёда шундай таълим тизими юзага келганки, унинг хилма – хил турлари мавжуд бўлиб, уларни кўпчилик **“қўллаб турувчи, таъминловчи, ёрдамчи ўқитиш”** деб атайдилар. У қанчалик хилма – хил бўлмасин, унинг асосий **мақсади** одамни кундалик муаммоларни ҳал этишга тайёрлашга асосланган бўлиб, шахснинг фаолияти ва ҳаёт тарзини қўллаб туриш учун мўлжалланган.

Айни вақтда **“Инновацион” (янгилик киритиш)** таълимни ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Инновацион таълим – бу бўлажак мутахассисларни жойларда ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, у аввал олган билимлар асосида таълимни такомиллаштириш ва самарали янгича ёндашув қилишдан иборат. Унда таълим – тарбияда янгича сифат кўрсаткичига эришиб, юқори самарадорликни қўлга киритиш амалга оширилади ва ижодкорликка йўналтирилади ҳамда таълим технологияларини янгича сифат босқичига кўтариш, шунингдек, таълим – тарбияда замонавий ёндашувларни ташкил қилиб боришни таъминлайди.

Инновацион таълимда замон билан ҳамнафас таълим технологияларини яратиш билан шуғулланишга доим имконият яратилиб борилади.

Инновацион таълим ўзига хос ижобий хусусиятларга эга. Улар қуйидагилардан иборат:

- кадрлар тайёрлаш тизимида илм – фаннинг узвий равишда кириб боришини таъминлайди. Бунда илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновацион лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм – фаннинг таълим амалиёти билан интеграцияни таъминлаш чора – тадбирлари ишлаб чиқилади;

- илғор педагогик технологиялар ва янги ахборот технологияларини жорий этиш учун ўрта умумтаълим, ўрта махсус, касб – ҳунар таълими ва

олий ўқув юртларида экспериментал майдончалар ташкил этиш орқали илмий – тадқиқот натижаларини ўқув – тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмларини рўёбга чиқаришга эришилади;

- таълим жараёнининг истикболини олдиндан кўра билиш, яъни таълим берувчининг аввалги ва ҳозирги тажрибаси асосида ўқитиш эмас, балки таълим олувчини узоқ келажакни мўлжаллашга (истикболли режа тузишга) ўргатишдан иборат бўлиб, унда таълим олувчи ижтимоий ҳаёт ва касбий фаолиятда ташхислаш, башоратлаш, моделлаштириш ва лойиҳалаштиришни амалга ошира олиши зарур;

- таълим олувчининг ҳамкорликда таълим олиш ва оптимал қарорларни қабул қилиш (локал ва хусусийдан тортиб дунёни, маданият, цивилизация ривожланишини ҳисобга олишдан глобал муаммоларни ҳал этиш)да фаол иштирок этишни таъминлаш.

Кейинги йилларда **масофавий таълим** (лотинча **distantia** - масофа) узлуксиз таълим тизимида кенг қўлланилмоқда.

Масофавий таълим – бу масофадан туриб ўқитишнинг усуллари асосланган ҳолда аҳолининг кенг қатламларига тақдим этилувчи замонавий таълим технологиясидир. У ўқув адабиётларининг алмашилиш воситалари (Ер сунъий йўлдош, телевидение, радио, компьютер алоқа ва бошқалар)га таяниб, ихтисослаштирилган ахборот муҳити ёрдамида масофадан мамлакат аҳолисининг кенг қатламига ва хорижий давлатларга тақдим этиладиган таълим хизматлар мажмуидан иборат.

Масофавий таълим тизимида бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг самарадорлигини оширишда таълим берувчи ва таълим олувчи шахсининг мунтазам алоқасини таъминлаш **асосий вазифа** бўлиб ҳисобланса қуйидаги таълимий имкониятларни қўлга киритиш мумкин:

- масофавий таълим ўқишга ижобий ёндашувни таъминлайди;
- педагогик жараён мақсади сифатида таълим олувчига йўналиш бериш имконияти бор;
- методологик, назарий, услубий билимларни эгаллашга имкон яратади;

- билиш фаолиятини мустақил ташкил этиш имконини беради;
- таълимнинг турли ахборотларини топиш ва ўзлаштириш имконини беради;
- замонавий педагогик технология асосида ташкил этиладиган билиш фаолиятини амалга ошириш борасида самарали қўлланилади;
- ахборотларга бўлган эҳтиёжларни қондиришда, ахборот олиш ва ундан фойдаланиш самараларини ҳосил қилиш борасидаги ишланмаларни тайёрлашга кенг имкониятлар яратади.

Масофавий таълим педагогик фаолиятнинг ижодий характерини оширади, яъни зарурий ахборотларни излай билиш, танланган ахборотлар билан ишлай билиш ва информатика воситалари ёрдамида одамлар билан мулоқотни самарали амалга ошира билиш йўналишларини замонавий таълим талабларига мос ҳолда таълимни янада оптималлаштириб бораверади.

Айни вақтда таълимнинг куйидаги шакллари ажратиб курсатилади:

1. Индивидуал
2. Индивидуал- гуруҳли
3. Синф- дарс
4. Лекцион- семинар
5. Синфдан ташқари
6. Аудиториядан ташқари
7. Мактаб
8. Мактабдан ташқари

3. Таълимни ташкил этиш шакллари ва уларнинг дидактикада ривожланиши

Жаҳон педагогика фани ва амалиётида таълимни ташкил этишининг турли шакллари бор. Жамият ривожининг ҳар бир янги босқичи таълимни ташкил этишга ўз таъсирини ўтказди.

Айни вақтда таълимнинг қуйидаги шакллари ажратилиб кўрсатилади:

- индивидуал; • маъруза – • аудиториядан
• индивидуал– семинарли; ташқари;
гуруҳли; • синфдан • мактаб ва
• синф – дарс; ташқари; мактабдан ташқари.

Улардан таълим олувчиларни қамраб олиши, таълим олувчилар фаолиятини ташкил этиши, жамоавий ва индивидуал шаклларининг нисбатлари, мустақилиги даражаси ва ўқиш жараёнига раҳбарлик қилиш хусусиятлари каби белгиларига кўра куйидаги асосий тури истеъмолда фойдаланиб келинмоқда:

- индивидуал;
- индивидуал – гурӯҳли;
- синф – дарс;
- маъруза – семинарли.

Қадим замонларда мавжуд бўлган ўқитишнинг энг қадимги шакли **индивидуал** таълим ҳисобланади. Бу орқали ҳаётий тажрибаларни аجدодлардан – авлодларга узатиш ибтидоий жамиятдаёқ юзага келган эди. Ёзув пайдо бўлиши билан қавм бошлиғи турли белгилар ёрдамида ўзининг тажрибаларини кейинги авлодга узатган. Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг бевосита ва индивидуал алоқасига ҳозирда мисол сифатида репетиторликни кўрсатиш мумкин. Таълимни ташкил этишнинг индивидуал шакли антик давр ва ўрта асрларда ягона усул бўлган, ундан баъзи мамлакатларда XVIII асргача кенг фойдаланиб келинган.

Индивидуал таълим бир қатор **афзалликларга** эга. Шунинг учун бу усулни бизнинг давримизгача репититорлик шаклида сақланиб қолган.

Унинг устунлиги ўқув фаолияти мазмуни, методи ва суратини тўла индивидуаллаштириш, аниқ бир масалани ҳал этишда унинг ҳар бир ҳаракати ва операцияларини кузатиб боришга имкон беришдан иборат. Индивидуал таълим берувчининг юқори педагогик малакага эга бўлишини талаб этади. Индивидуал таълимнинг **камчиликлари**: вақтнинг тежамли эмаслиги; таълим берувчи таъсирининг чекланганлиги. (Бунда таълим берувчининг вазифаси таълим берувчига топшириқ бериш ва уни текширишдан иборат бўлади); бошқа таълим олувчилар билан ҳамкорликда ишлаш имконияти чекланганлиги (Бу таълим олувчининг ёки таълимнинг ижтимоийлашишига салбий таъсир кўрсатади); жамоада ишлаш тажрибасини шаклланмаслиги ва шу кабилардан иборатдир.

XV – XVI асрлар давомида Европада ишлаб чиқаришнинг ривожланиши кузатилди ва унинг натижасида таълим беришнинг **оммавий шакли** юзага келди. Улардан бири таълим олувчиларни ўқитишнинг **гуруҳли (жамоали)** тури деб аталади. Улар ғарбий Россия (Ҳозирги Белоруссия ва Украинанинг ғарбий қисмлари) даги биродарлик мактабларида илк бор қўлланилган ва ундаги ўқиш **синф – дарс** шаклининг асоси бўлган. Бу тизимлар XVII асрда Ян Амос Коменский томонидан “Буюк дидактика” асарида назарий жиҳатдан асослаб берилди ва оммалаштирилди. Олим педагогикага **ўқув йили, ўқув куни, дарс машғулотлари орасидаги танаффус, ўқув таътиллари** каби тушунчаларини киритган.

Синф – дарс тизими гарчи 350 йил аввал асосланган бўлсада, бугунги кунда ҳам кенг кўламда истеъмолда фойдаланиб келинмоқда. Унинг асосий мазмуни ўқув ишларини ташкил этишнинг ўзига хос шакли сифатида куйидагилардан иборат бўлади:

- бир хил ёшдаги ва тахминан бир хилдаги тайёргарлик даражасига эга бўлган таълим олувчилар (ўқувчилар) **синфни** ташкил этади. Бу синф мактабда ўқишнинг умумий даврига асосан доимий тартибини сақлаб қолади;

- синф фаолияти ягона йиллик режа ва дастур асосида доимий дарс жадвали бўйича ташкил этилади, бунинг натижасида болалар мактабга йилнинг бир вақти ва олдиндан белгиланган кун соатларида келишлари керак бўлади;

- машғулотларнинг асосий бирлиги дарс ҳисобланади;

- дарс одатда бир фан ёки мавзуга бағишланган бўлади, шу боис таълим олувчилар синфда битта материал устида ишлайдилар;

Синф – дарс тизими К.Д.Ушинский томонидан янада ривожлантирилди. У бу шаклнинг ҳамма устунликларини илмий асослаб берди. Дарс, айниқса, унинг ташкилий қурилиши (тузилиши) ва типологиясининг ихчам назариясини яратди. К.Д.Ушинский ҳар бир дарснинг бир – бири билан кетма – кет боғланган қуйидаги учта қисмини ажратиб кўрсатди:

1). Илгари ўрганилган билимлар асосида янги билимларни англашни амалга ошириш ва таълим олувчиларда материални жадал қабул қилишга мақсадли кўрсатмани яратишга қаратилган қисм. Дарснинг бу қисми К.Д.Ушинскийнинг фикрича дарсга гўёки “**эшик**” ҳисобланади.

2). Асосий масалани ҳал этишга йўналтирилган қисм. Бу қисм дарснинг муҳим марказий қисми ҳисобланади.

3). Амалга оширилган фаолиятга яқун яшаш ва билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлашга қаратилган қисм. Бу қисм дарснинг хулосалаш ва умумлаштириш қисми бўлиб, ҳисобланади.

Алоҳида ўқув фанларини ўқитиш методикаси ва дидактикасига оид асарларда таълимнинг **синф–дарс** тизимининг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилиб берилади. Қуйида улар тўғрисида тўхталамиз.

I. Афзалликлар:

- яхлит ўқув – тарбиявий жараённинг тартибли (тизимли) кетишини таъминловчи аниқ ташкилий тизим;

- жараёнларнинг оддий бошқарилиши;

- муаммонинг жамоа бўлиб муҳокама қилиниши, масаланинг ечимини биргаликда излаш жараёнида таълим олувчилар ўртасида ўзаро муносабатларнинг шаклланиш имконияти;

- таълим берувчининг таълим олувчилар ва уларнинг тарбиясига доимий эмоционал таъсир кўрсатиши;

- таълимнинг эмоционаллиги (зеро, таълим берувчи бир вақтнинг ўзида таълим олувчиларнинг катта гуруҳи билан иш олиб боради), ўқув фаолиятига мусобақаланиш элементларини киритиш учун шароитнинг яратилиши.

II. Камчиликлари:

- тизимнинг билимларни асосан ўрта даражада ўзлаштирувчи таълим олувчилар учун мўлжалланганлиги, бўш ўзлаштирувчи таълим олувчилар учун қийинчиликларнинг юзага келиши ва кучли ўзлаштирувчи таълим олувчиларнинг қобилиятларининг ривожланиш суръатининг ортга сурилиши;

- таълим берувчи учун ўқитиш мазмуни ва ўқитиш суръатлари ҳамда методлари бўйича индивидуал ишларни ташкил этиш, шунингдек, таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишда қийинчиликларни юзага келиши;

- катта ва кичик ёшли таълим олувчилар ўртасидаги муносабатларнинг қарор топмаслиги.

Хулоса

Хулоса килиб айтадиган булсак, таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари турли хил булиб, улардан самарали фойдаланиш оркали дарсни тугри ташкил этиш ва укувчиларги юқори билимли, малакаси ва албатта уз касбининг етук мутухассиси булиб етишишларига еришиш мумкин.

Масалан, таълимни ташкил этишнинг тушунтирувчи – намойиш этувчи ва Муаммоли ўқитишда таълим тури жуда самарали хисобланади. таълимни ташкил этишнинг тушунтирувчи- унинг асосий методи кўргазмалилик асосида тушунтиришдан иборат бўлиб, унинг асосини тинглаш ва эслаб қолиш ташкил этади.

Муаммоли ўқитишда эса ўқув муаммоларини ҳал этиш жараёнида билимларни мустақил эгаллаш, таълим олувчиларнинг ижодий фикрлашлари ва идрок этиш фаолиятларини ривожлантириш йўли билан таълим ташкил этилади.

Бундан ташкари таълимни ташкил этиш ва ундан самарали фойдаланиш усулларида яна бири бу- инновацион таълим усули булиб хисобланади. **Инновацион таълим** – бу бўлажак мутахассисларни жойларда ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, у аввал олган билимлар асосида таълимни такомиллаштириш ва самарали янгича ёндашув қилишдан иборат. Унда таълим – тарбияда янгича сифат кўрсаткичига эришиб, юқори самарадорликни қўлга киритиш амалга оширилади ва ижодкорликка йўналтирилади ҳамда таълим технологияларини янгича сифат босқичига кўтариш, шунингдек, таълим – тарбияда замонавий ёндашувларни ташкил килиб боришни таъминлайди.

Юқорида таъкидлаганиздек, таълим шаклларида тугри ва самарали фойдалиниш оркали ёш авлодга самарали билим бериш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. «Истиклол ва маънавият»- тошкент, Узбекистон, 1994й.
2. Каримов И.А. «Миллий истиклол мавкуриси-халк эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир»- Тошкент, Узбекистон, 2000й.
3. Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Қонуни.
4. Мунавваров А.К. «Педагогика»- Тошкент, Уқитувчи 1993й.
5. Мавлонова Р. Ва бошқалар «Педагогика» Тошкент, Уқитувчи 2001й.
6. Хошимов К. ва бошқалар «Педагогика тарихи» Тошкент, Уқитувчи 1996й.
7. www.lex.uz
8. www.gou.uz
9. www.press-servise.uz

Таълимни ташкил этишининг шакллари: асосий, қўшимча ва ёрдамчи: фронтал, индивидуал, гуруҳий

Замонавий дидактикада таълимни ташкил этиш турлари 3 га бўлинади: фронтал, гуруҳий ва индивидуал.

Фронтал таълимда ўқитувчи бутун синфдаги ўқув-билиш фаолиятини бошқаради. Улар бирор бир вазифа устида иш олиб боради.

Гуруҳли шаклда ўқитувчи синфдаги ўқувчиларнинг гуруҳлардаги ўқув-билиш фаолиятини бошқаради. Уларни бўғинли, бригадали, кооперирован (кўчма) ва дифференциалли гуруҳли шаклга бўлиш мумкин.

Индивидуал таълим ўқувчилар бошқа ўқувчилар билан боғлиқликда ўқув-билиш фаолиятини амалга оширади. Яъни, бутун синф бутун топшириқни, ҳар бир ўқувчи алоҳида мустақил бажаради. Таълимни ташкил этиш шакллари асосий, қўшимча ва ёрдамчи.

Дарс – (мактабдаги) ўқув ишининг асосий ташкилий шакли бўлиб, унда ўқитувчи аниқ белгиланган дарс доирасида ўқувчиларнинг доимий таркиби билан қатъий жадвал бўйича шуғулланади, жамоавий билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув дастурига ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади. Дарс ўқув ишини ташкил қилишнинг асосий шакли, аммо у таълимнинг бошқа шакллари: лекция, практикумлар, лаборатория машғулотлари, семинарлар, консультациялар, уй вазифалари, қўшимча машғулотларни ривожлантиришни истисно этмайди. Таълимни ташкил этишнинг ёрдамчи шакллари факультатив машғулотлар саналади. Улар ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида ташкил этилади: тўғараклар, клублар, олимпиадалар, викториналар, кўргазмалар, экспедициялар ва ҳоказолар.

Тест

1. Педагогик тизимларнинг асосий турларинималардан иборат?

- а) архаик , қадимги , авестит
- б) юнон , ўрта аср , янги , хорижий
- с) хаммаси

2. Ҳозирги вақтда, Республикамизда фаолият юритаётган замонавий таълим муассасаларида таълимнинг энг муҳим қуйидаги уч туридан фойдаланилмоқда. Улар қайси жавобда тугри курсатилган?

- а) тушунтирувчи – намойиш этувчи таълим,
- б) тушунтирувчи – намойиш этувчи таълим, муаммоли ўқитиш
- с) муаммоли ўқитиш, дастурлаштирилган таълим ёки компьютерли ўқитиш.

3. Муаммоли ўқитишда муаммони илгари суришнинг нечта босқичи мавжуд?

- а) 4 та
- б) 3 та
- с) 2 та

4. Дастурий таълимнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- а)ўқув материалининг алоҳида қисмларга ажратилиши;
хар бир босқичнинг назорат билан якунланиши
- б)туғри жавобни топишда таълим олувчининг ёрдамчи ва қўшимча тушунтиришларни олиши;
- с) тугри жавоб йук

5. Компьютерли ўқитиш тизими – бу

- а) билимнинг аниқ предмет соҳасини ўрганиш;
- б)ўқув курсларида ишланмаларни қўллаш, ўқув жараёнини бошқариш
- с) ўқув жараёнини бошқариш

6. Таълимнинг қандай шакллари ажратилиб кўрсатилади?

- а)индивидуал, индивидуал– гуруҳли;
- б)синф – дарс, маъруза – семинарли, синфдан ташқари;
- с) хаммаси

7. Замонавий дидактикада таълимни ташкил этиш неча турга бўлинади?

а) 5та

б) 4 та

с) 2 та

8. Анъанавий таълим шакллари нималардан иборат?

а) Янги билимларни баён қилиш дарси;

б) Ўтилган материални мустаҳкамлаш дарси;

с) ҳаммаси

9. Анъанавий бўлмаган (ноанъанавий) таълим шакллари

а) Маъруза дарси;

б) Факультетив машғулотлар

с) тугри жавоб йук

10. Замонавий дидактикада таълимни ташкил этиш турлари?

а) фронтал, гуруҳий ва индивидуал

б) гуруҳий ва индивидуал

с) фронтал

Саволлар

- 1 **“Ҳақиқий ғоялар”** деб ном олган педагогик тизимнинг асосий таянч нуқтаси нималарни ўзлаштиришдан иборат бўлган?
- 2 **Тушунтирувчи – намойиш этувчи** таълим тури. Унинг асосий методи нималардан иборат?
- 3 Муаммоли ўқитишнинг афзалликлари нималардан иборат?
- 4 Муаммоли ўқитишнинг камчиликлари нималардан иборат?
- 5 Ривожланган мамлакатларда компьютерлардан кенг фойдаланишнинг ривожланиши бу борадаги қандай асосий йўналишларни аниқлашга имкон беради?
- 6 Компьютерлаштиришнинг асосий мақсади вазифалари нималардан иборат?
- 7 Инновацион таълим деганда нимани тушунасиз?
- 8 Индивидуал таълим бир қатор афзалликлари нималардан иборат?
- 9 Индивидуал таълимнинг камчиликлари нималардан иборат?
- 10 Фронтал таълимда ва Индивидуал таълим деганда нимани тушунасиз?